
ОЛТИН ОСТОНАГА БИРИНЧИ КАДАМ

Акмал Тошев

МОҲИЯТ ЛАҲЗАЛАРИ

Шеърлар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2008


84(5Ў)6

Т 71

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан
нашр этилмоқда

Ю 34986
091

Тошев, Акмал.



Моҳият лаҳзалари: Шеърлар / А.Тошев. —
Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2008. — 32 б.

Самимий туйғулар ҳамиша ўз жилоси билан кўнгилларни
жалб этган. Олам ва одам муносабати, руҳий кечинмалар
шоир юрагидаги дард. Ушбу китобда самимий туйғулар
жилосини, ички кечинмаларнинг ёрқин ифодасини ҳис
қиласиз, деган умиддамиз.

ББК 84 (5Ў)6

Т 4702620202-76 2008
М352(04) — 2008

© Акмал Тошев,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 й.

ISBN 978-9943-03-174-6



Акмалнинг шеърларини ўқирканман, ўз рангларига, ўз ташбеҳларига ва яхшигина сўз захирасига эга бўлган шоир шаклланиб келаётгандек туюлди менга. Хурсанд бўлдим.

Шеърда аввало туйғу табиий, руҳ шиддаткор бўлиши лозим, ана шунда оҳанг туғилади. Шеъриятда тақлид қилиб айнан такрорлаб бўлмайдиган ягона нарсa — бу оҳанг. Оҳангни шеърда ушлаб туриш эса истиснонинг сифатларидан бири. Акмалда ана шу фазилат нишонлари бўй кўрсатмоқда.

Азиз Саид

БАТАН

Ватан! Юрагимга ташладинг учқун,
Туйғулар зарбидан ёзмоқдаман шеър.
Кўнглимда қайғудан шодлигим устун,
Эй, замин, ўглингман менга мадад бер.

Ватан! Бағринг водий, ҳимматинг тоғдир,
Буюк ажлодларнинг қўноғисан юрт.
Ёвузлик панжаси сендан йироқдир,
Даҳо истеъдодлар булоғисан юрт.

Ватан! Кўз ўнгимда чўққисан юксак,
Илдизи мозийга қадалган диёр.
Остида бойчибор жасур ва сергак,
Донғи дунё кезган Алпомишлар бор.

Ватан! Мунис қалбинг дукурлар ҳамон,
Золимлар дастидан йиғлаган тупроқ.
Ёвузни қонига тўйдирдинг шу он,
Қаҳрингга отди-ку душманни Широқ.

Ватан! Муқаддас юрт, меҳрибон она
Дунёни тўлдирган улкан тафаккур.
Навоий бошингда ҳамон парвона,
Асрлар қаъридан етиб келган нур.

Ватан! Қучоғингга қайтди истиқлол
Соғинч дардларини синдирдик чил-чил.
Бизни кутиб олди ҳув ана, иқбол
Бургутдек парвозга шайланди кўнгил.

Ватан! Бешигингни тебратгай сабо,
Қуёшнинг суйгани эркасисан сен.
Бошингга соябон бахт қуши, Ҳумо
Момоларнинг қадим эртагисан сен.

Ватан! Сени нега айлайин қиёс,
Қиёсинг топилмас улуғвор макон.
Жоним толалари пойингга палос,
Қалбим-ла йўлингни айлай нурафшон.

БАҲОР

Инжу лабларини теккизиб баҳор,
Қоқи гулларни ўпади майин.
Бир ёнда лолаҳон кўрсатиб рухсор,
Ҳаммани қаратар у борган сайин.

Дарахтлар шохига қўнибди оқ гул,
Ердан чиқдими ё самодан тушди.
Жанубдаги қушлар тўдаси буткул,
Турнадай тизилиб шимолга кўчди.

Қайдан келди, ҳаво бунчалар сархуш,
Ким тўқиди ерга ям-яшил гилам,
Қай малак айлади заминни беҳуш,
Йўқолди қайгадир дилдаги алам.

Ким етаклаб келди сероб, мўл ёмғир,
Куёш нурлари ҳам ўзгача бешак.
Қанот қоқиб қалбда елади ғир-ғир,
Биров ташлаб кетган орзу ва истак.

О, баҳор бунчалар сирлисан, бироқ,
Ҳамма, юмушларинг нафис ва эзгу.
Ёздайин иссиқмас, кўкламдир ҳар ёқ,
Қишдайин борлиқни чулғамас қўрқув.

Олгин оғушингга оламни чулғаб,
Йўлларингга менинг қалбим поёндоз,
Адоғин топмасман сифатинг санаб,
Ортиқроқ куйлашга оҳангларим оз.

ФАРИШТАЛИ КУНЛАР

Фариштали кунлар чиндан ҳам шундай,
Кўнгилнинг тўпигига чиқмайди ғусса.
Ҳассос мусаввирнинг ижоди каби,
Муз қотган ҳисларни уйғотар шукуҳ.
Вужудингда қанот улғаяр бехос,
Ироқларга чорлар байрамона руҳ.
Хушбўй ифори уфуриб ҳарчанд,
Зулмат сипоҳини босишга тайёр.
Қулфлар бузилган қафаслар ғариб,
Фирибгар шайтоннинг панжаси қуруқ.
Хушнудлик боғида беилож бари,
Оний дилхушлик йилларга татир,
Бахт онини ҳис этса агар.

Жўшқин туйғуларни сиқмайлик ахир,
Қайғуга топинмоқ нега, нечун?
Тушқун руҳингизни қилинг зулфиқор,
Шодлик уммонини забт этмоқ учун.

МАНЗАРА

Боғларда хазонлар шитири,
Хаёлни опичлаб қочарлар.
Очилиб юракнинг минг сири,
Борлиқни тўлдириб учарлар.

Исёним нафаси зафарон,
Сап-сариқ хилқатлар парвози.
Кўтарди оғриқли тўполон,
Руҳим-ла армоннинг овози.

Туманнинг товушсиз босқини
Заминда залворли саман от.
Ботиний изтироб руҳини,
Ифода этолган тилсимот.

Мезонга айланган интиҳо,
Улашиб юради хавотир.
Сўнгги гул баргига маҳлиё,
Хазонни чизади мусаввир.

Ёмғирлар илҳомни қучоқлаб,
Қалбимга мўралаб боқади.
Фуссали ҳисларга ёр этган,
Куз менга барибир ёқади.

ТУШУНМОВЧИЛИК

У мени тушунмади,
Мен уни.
Ўртадан нафратнинг нафаси ўтди.

Мисқоллаб топилган ишонч,
Ботмонлаб сочилди ҳавога.
Қадрнинг қиммати шуми?

Ёмон кўрдинг, ёмонмидим?
Ёмон, кўрдим, ёмонмидиминг?
Лаҳзада тескари айланган дунё.

Терс қараб ўтади энди у,
Ўзимни панага тортаман,
Ичимда ғалаён,
Айбдор ўзимми ёки у...

Дардингни айтмоқчи бўласан,
Дардимни айтмоқчи бўламан,
Ўртада гурурнинг сояси...

Ҳароратли кунлар,
Баҳорий нафас,
Гунчалар табассум эттали шайдир.
Беғубор қалбимга қилганча ҳавас,
Муҳаббат қаршимда кулиб тургайдир.

Ҳайратдан дўппимни отганим бор гап,
Қувончдан юзларим ловуллаб ёнар.

Ҳижронлар қаршимдан ўтолмас ҳатлаб,
Висолнинг қўрғони осмон баробар.

Туйғулар бўйсунмай қўйди-ку қаранг,
Шошқалоқ ҳаёлим қайдадир ҳалак.
Учгай кўнгилларни қўмсаб турфа ранг,
Энг ширин лаҳзани тутган капалак.

Бахтнинг водийсида сармастман гўё,
Изтироб шарпаси чекинган бир пайт.
Саодат дарғаси, ишқ тутган наво,
Бир умр қалбимда дилхуш қўшиқ айт.

ШАМОЛЛАРГА АЙЛАНГИМ КЕЛДИ

(Туркум)

* * *

Эрка шамолларни эркалай дердим,
Дунёга сигмаган жажжи тасаввур.
Энди-чи,
Шамоллар эркалар эди,
Ваъдани ҳайдаган бетакрор ҳузур,
Ҳузурки,
Ҳаловат эшилди сармаст,
Табиат кафтида улғайди бирам.
Мастона ҳолимдан мириқиб кулди,
Кенглик ифорини тутганча санам.
Ҳижолат бўлдим...

* * *

Нечун япроқларни йиғлатар шамол,
Ажиб сергакликка чорлов, белгими?

Ёхуд асрларга сиғмаган Машраб,
Осмон руҳи билан қайтиб келдимми?
Ўзликни парчалаб,
Безабон жарроҳ,
Оч қолган бўридек пойлайди бедор.
Кўринмас атрофда
Бир илинж, паноҳ,
Кўнгилга суқилар шайтоний хумор.
Мўлтираган нигоҳлар увол...

* * *

Шовуллайди ташвиш юкланган шамол,
Оғиз жуфтланган-у
Сўзланмаган роз.
Зулматта ўқталган шам нури каби,
Беимкон қопқога ёпишган холос.
Кўчкини елкада тутиб турган дард,
Бўғзимга тиқилди эзилган зуғум.
Қайта ютдим беҳол...

* * *

Ишқни соғинганча
Девона шамол
Табиат сепини титкилаб юрар.
Энг нафис бўйлардан гулдаста ясаб.
Ҳижроннинг устида мажнундек турар.
Сабр ҳам зириллаб,
Ҳайратга тутқун,
Ҳасаддан гумбурлаб тўкилди булут.
Шамол увуллайди тўфонга дўниб,
Ўзга макон излаб тентийди,
Муҳаббатда унутмоқ йўқдир.

Хув, бедапояга беркиниб олиб,
Ҳар кун алла айтар,
Эринмай шамол.
Шабистон ҳарирни силкитиб қўяр,
Пойимда юлдузлар,
Қўлимда ҳилол.
Болалик онлари
 ҳаёт арғимчоқ.
Орзулар тўкилди кўкдан бирпастанда.
Тонг қадар оромим кетмас бошимдан.
Жажжи ҳайратларни муҳраб аста,
Шамолларга айлангим келди!

Ўпиб-ўпиб олар япроқни шамол,
Гуллар қучоғида орзулар лим-лим.
Ям-яшил заминда
 яшил малакни,
Бағрига босганча энтикар кўнглим!
Орзулар пойгаси,
Чексиз ҳаяжон,
Ким эрур
Ижобат ғолиби бу гал.
Маррада гулдаста тутганча интиқ
Шайланиб турибди бесабр ҳамал.

Саҳрода рўёлар ясаб чарчамас,
Ғазабкор тўфондек қутирган шамол.
Қудрат тимсолига айланиб зумда,
Денгизни осмонга отар бемалол.

Гоҳида нозанин сочини тараб,
Кўнгилни чорлайди
олтин кўшкига.
Туғёнлар хуржунин кўтариб маъюс,
Ишониб юради ғамгин тушига.
Содда юрак...

ЎЗЛИК

Нафис парда ортида малак,
Пардани тарк этмоқчи эди.
Уялди.

Сўнг бошқаларга ўхшамаслигидан
Истиҳола қилди.
Кейин эса
важоҳатли кўзлардан
Чўчиб чиқмади.

Энди-чи,
Одамлар қўймас,
Жинни дея масхара қилиб.
Сигмай қолди дунёга афсус.

Орзу билан оламга келиб,
Армон тутиб тарк этар бўлди.
Ўзгалар тортиб олган,
Бахтни қўмсаб,
Бунчалар ҳам бахтсиз бўлмаса!?

* * *

Ер,
Осмон,
Ўртада биз.

Бағрига тортади,
Рўёнинг
Малакка айланган суварти.

Уйғонмоқ истаса
Маккор морбоздек
Чалғитди.

Тушлигин,
Ҳис қилиб яшаш,
Қанчалар қийин-а!

Афсуски,
Уйғониб кетмасдан аявал
Англашни истамас
Буни кўпчилик.

ҚАЛБИМНИ ОЧГАНДИМ...

Қалбимни очгандим — чегарасиз кўк,
Юлдузлар ёнади парпираб,
Тонгдайин ҳисларга ошиқ эди у.
Нурларга эш эди, ғамга бегона,
Япроқдек орзуда, шабнамдек ёғду.

Қалбимни очгандим эшиклари ланг,
Куртакдек очилди митти мўъжиза.
Рухимни қучганди фақат битта ранг,
Қаршимда фақат ишқ — бошқаси зарра.

Бешафқат тилсимга талпиндим нечун?!
Барибир забт этди шўрлик қалбимни,

Қисматим устида ўқилган афсун.
Гарчи истагандим кетмоқликни жим,
Ягона бойлигим — изтироб билан.
Ҳижроннинг бағрида улғайган кўнглим,
Ишқдан айро ҳолда яшолмас экан.

Энди беркинмоқни истамайман ҳам.
Майли, сўзларимни қайтариб олдим,
Аччиқ армонларим тарк этма бир дам!

САРДОР КИЙИК

Узоқ боқди,
Сўнгги мартта
Дарага ғамгин,
Видолашув сукутининг
Ғамгин онлари.
Вужудини нимталайди
Фиғонли тўлқин,
Мажбурият,
Сўнгги чора.
Не қилсин у,
қўноғида (о, муқаддас жой!).
Ортиқ қолиш иложини тополмади оҳ!
Дара сокин, хатарсиздек,
Аммо ҳойнаҳой,
Уни кутар
Ҳар қадамда
Одам қўйган чоҳ.

Шўрлик дара
Кўклам рангли

Сарполи санам,
Яшнардинг-ку бир замонлар
Толей порлоқ.
Кийикларчи юрагида
Йўқ эди алам,
Сакраб, яйраб
Ўйнар эди
Беқайғу қувноқ.

Ўшанда ҳам
Сардор эди
Бутун бир тудам,
Унинг азми-қарорига бўйсунуш қонун.
Унутилмас, о, у кунлар
Тинч ва осуда,
Ўтар эди.
Инсон зоти
Қадам қўйган кун.
Осудалик қўрғонига
Ўт кетди буткул.
Қувонч, шодлик
Пар мисоли тўзғиди ҳар ён.
Тўрт тарафга
Ўқ овози югурди нукул.
Тўрт тарафдан,
Ажал ёғди дўлдек беомон.
Энди мушкул вазиятдан,
Қутулмоқ даркор.
Ҳар кун тўртта,
Бешта
Ўнта
Камаяр даҳшат!


У ён ўйлаб
Бу ён ўйлаб
Буюрди сардор:
Ягона йўл тарки Ватан
Айрилиқ фақат!

Алвидо!
Эй аждодларим маскан тутган юрт,
Алвидо!
Эй юрагимнинг
Энг қутлуғ қисми.
Балки бир кун қайтгайдирмиз,
Бағрингга
Сен кут!
Балки ўзга юртда қолгай
Руҳимиз жисми.
Қолар эдим
Менга қолса,
Бироқ сардорман,
Тўдамни деб кетаяпман
Бу ердан мангу.
Ғамга ботган жигарларим
Мана мен борман,
Қўрқувни енг
На қилайлик,
Қисматимиз шу.
Йиртқич ҳайвон панжасидан
Қочармиз, аммо
Қотил инсон таъқибида
Қолмоқ — бу ўлим.
Тотли гўша
Қутлуғ маскан

Юртим алвидо!
Дея сардор бошин эгди,
Сўнгги бор таъзим.

...Ўзга юртлар
Қучоғидан умидвор бўлиб,
Узоқлашиб борар тўда
Оғир қадамлар.
Мунис дара
Қайтинглар дер ўпкаси тўлиб,
Насиб қилса қайтиб келгай
Бахтиёр дамлар.
Сардор бесас,
Тўда бесас
Оҳу кўзда ёш.
Бу айрилиқ осон эмас
Уларга зотан,
Муқаддасдир ҳар бир сўқмоқ
Ҳар кўринган тош.
Бағринг ширин,
Бетаққоссан,
Буюксан Ватан.

... Дара ҳамон шовуллайди
Тўдани чорлаб,
Келгил дея
О, бағримнинг маликалари.
Кетди инсон
Вужудингни топганда,
Хорлаб
Битди энди,
Ажал ўқи таҳликалари.
Бироқ дара англамайди,



Тўда келган кун,
Яна қайта бошланажак
Тарс-турс,
Қиёмат.
Қачон инсон юрагида
Оқибат устун,
Дарагинам!
Шундагина орзу ижобат.

ТУҒЁН

Узоқларга термуламан жим,
Бир каломга излайман ташбеҳ.
Туйғуларни тинглайди қалбим,
Адоғига етолмайди ҳеч.
Мукаммаллик изланиб такрор,
Хаёлларим бетоқат тажанг.

Ҳеч тинчимас чархпалак тақдир,
Қай қисматга этгуси маҳжум.
Дилхуш, дилхун дамларни бир-бир,
Йўлламоқдан тинчимас бир зум.
Муҳаббатга парвона кўнгил,
Ҳижрон таъмин татиб қолса гар,
Орзулари вайрона, чил-чил...

Интиқ боқар ҳар ён қароғинг,
Соғинч ҳисси, дилдаги оғриқ.
Чорлаб қолса, болалик чоғинг,
Талпинади юрагинг қаттиқ.
Зориққан руҳ интилса ҳар гал,
Қалби сарой она меҳрига.

Тугён,
Сени англаганим шу.
Кўнгилдаги бетин тасаввур.
Ёзганимда акс этган туйғу,
Балқиб турса, оташин ҳовур.
Мавжудлигинг шу,
Сийратинг ҳам шу.

* * *

Хаёлимда шеърлар ёзаман,
Куртаклардан пайдо бу иқдор.
Эрта баҳор нафаси каби
Кўнгилларни тебратган ифор.

Гулдуроснинг шиддати баланд,
Тирикликни қучган томчилар.
Исёнларни уйғотиб юбор,
Соғинганим, дардим — қамчилар.

Уфқларга қочган тасаввур,
Ниҳол каби улғаяр аста.
Гўзалликка тўйинган шабнам,
Учрай бошлар ҳар бир нафасда.

Кенгликларни соғинган руҳим,
Шамолларга эргашган кўнгил.
Гуллар билан дўстлашиб олиб,
Йироқларга кетамиз, юргил!

МОҲИЯТ ЛАҲЗАЛАРИ

Ўтов...
Поёнсиз адир...
Мозийнинг жажжи суврати.
Дўмбира дардим...
Бахшиёна куй...
Борлиқ вужудига кўмилиб кетган.

Чевар бармоқлар...
Гуллайди ўрмак...
Табиатга уйғун жилолар.

Ўчоқда олов,
Биқирлар қумғон,
Замонларни қатлаган товуш.
Аламлар ҳадсиз...

Чанқовуз...
Йиғлайди.
Ишқни опичлаб,
Пешонаси ёрилган наво...

Жўнгина нигоҳ...
Пайконга терилган меҳр...
Шунчалар мўлки...тасаввур уммон!

Сибизға
Чорлар чўпонни ...
Таёғи синган чўпон...
Сочилган сурувни излайди.

Сабр-ку собит...
Келажак шошқин...
Мувозанат-чи, тўкилади
Ўпирилган жардек муттасил...

НУРЛИ ҚАНОТЛАР

Руҳим самоларда юлдузни қучди,
Нурли қанотлардан зиё таралди.
Туғёним мушакдек кўкларга учди,
Қадамингдан чаман яралди.

Мен сени қўмсадим ғамга ботганда,
Қўмсадим қувончлар маҳв этганда.
Орзуларни армон қўмганда,
Масиҳ нафасингдан топаман малҳам.

Дард дўстимдир, туганмас исён,
Топганим, нажотим осуда ниҳол.
Улғайиб, улғайиб бир куни ишон,
Буюк қалб бўласан паришон хаёл.

Фақат йўлларингда зор этма мени,
Ҳиссиз тириклардан ўзингни тортгил.
Кўксимда порлаган эй митти чироқ,
Кўринмас ҳисларни тошқин дарё қил.

Туйғулар забтида бўлибман мажнун,
Ҳайратлар қатидан қуйилар баёт.
Бу олам рангларин жам этиб бутун,
Парвоз эт толиқмай, ишончим, қанот!

БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ

(Туркум)

Тун.
Осмон тўла юлдуз
Беғуборлик беланчагида
Хайратларга қўшилган нигоҳ.
Санай-санай адашиб кетиб,
Яна қайта санайвераман.
Саноғимга сиздиролмай
Шунча юлдузни,
Жажжи ақлим бироз шошади.
Шунда далда беради,
Кипригимга терилган уйқу.

* * *

Олисларга чўзилган
Улкан дара.
Юрагимга ҳадик
Ўрмалар,
Тўлқинсимон қатларида
Қандайдир бир ўткир қарашлар.
Тумандек солланар,
Қўркув чодири.
Юрак ютиб, олдга юрсанг гар
Ўргимчакдек ваҳималар
Тўқиган чоҳга
Қулайсан гўё
Узоқ-узоқ термилиб, гоҳо
Эртақлар тўқирдим, хайратларга лиқ.

Ёвуз кучлар ҳамиша мағлуб,
Баҳодирлар мардона —
Отилган чақмоқ,
Эртақлар шундай
Хаёлларим интилди кўкка
Суврат — олам,
Сийрат — туғёндир.
Эртақлар
Аллалар қалбимни аста,
Самога шўнғийди болалик.
Ерда қолдим ёвузлик билан...

Кенг яйлов
Эпкиnlари кўнглимга яқин.
Улоқчалар ўйноқи бирам,
Қайғуларнинг гарди тегмаган,
Вужудимда нашидалар портласа...
Чечаклар,
Гулдаста ясайман,
Бармоқларим титрар,
Кимларгадир илингим келди.

ТЎРТЛИКЛАР

Сиз менинг борлиғим, бахтим отажон,
Бошимда паноҳсиз, тахтим, отажон.
Сиз менинг қалбимда ўчмас юлдузсиз,
Сизга асо бўлмоқ аҳдим отажон.

* * *

Юзингда қайғу кўрмасам дейман,
Сизга бор меҳримни қилолсам нисор.
Она, кўзингизда қувонч порласа,
Дунёда одам йўқ мендан бахтиёр.

* * *

Энг бахтиёр кунлар, шаффоф муҳаббат,
Ҳам тотли, ҳам дардли, азоб муҳаббат,
Сенинг ҳимматингдан кимлар шодумон,
Қаҳрингдан кимлардир хароб муҳаббат.

* * *

Табиатинг кўркам гўзал қишлоғим,
О, бағри меҳрда тугал қишлоғим,
Болалик излари бағрингда қолди.
Ёдинг қалбимдадир олис қишлоғим.

* * *

Аждарҳо домидек оғзингни очиб,
Тўфондек тортасан бойликни бутун,
Аммо, билиб қўйки, бефаҳм инсон,
Сени ўша бойлик қулатар бир кун.

АРМОН

Манзилинг бунчалар йироқ,
Етиб бўлмас мисли бир уммон.
Ушлаб бўлмас олис юлдуз,
Қалбимга ўқ отдинг армон!
Бир умр тош қотдинг армон!

Япроқлардек хазон бўлдим.
Манзилингга етаман, деб,
Сени ҳатлаб ўтаман, деб,
Қалбимга ўқ отдинг армон!
Бир умр тош қотдинг армон!

* * *

Сен тилак йўллабсан,
Қўнимсиз руҳимга малҳам бўлгулик.
Армонли орзудан илиқ эҳтиром,
Саҳройи қалбимга юпанч бўлгулик.
Мажнунвор вужудим ловиллар гўё,
Муҳаббат, муҳаббат шафқатсизсан.
Васлингга интилдим, адоқсиз йўллар.
Тақдир айромиди, ўзгами қисмат?!
Туғёнлар тафтидан титрайди кўнгил,
Дардга гирифторми мажнунлар фақат?
Севгимни яширдим авайлаб пинҳон.

* * *

Йўлкага шивирлаб айтади қўшиқ,
Рутубат чодирин силкитиб ёмғир.
Майингина сингиб залворли оғриқ,
Азобдан ҳаловат ясайди кимдир.

Ибтидо сарпоси ечилди бирдан,
Зулматга чулғанди умр интиҳо.
Тебраниб шўнғийди, япроқ-тиллараң,
Маъюс табассумин илғадим ҳатто.

УСТОЗ ХОТИРАСИ

(Устоз Озод Шарафиддинов хотирасига)

Ғам соя ташлади борлиққа буткул,
Бадиият кўкида портлади чақмоқ.
Япроқдек сапчиди паришон кўнгил,
Тўкилди-ей, руҳим — зах урган тупроқ.
Бўғзимга тикилди даҳшатли фиғон,
Дарднинг карвонлари силжиди аста.
Тоғларнинг сочлари оқарди қаранг,
Бир кунда қақради ўйноқи дарё.
Қайғули нигоҳлар, хаёлотда жанг,
Чирсиллаб синади асаблар ҳатто.
Кишанни синдирган қўшқанот баёт,
Шодлик сарпосини сандиққа солди.
Эҳ, бу жудоликнинг заҳри ёмон,
Ўпқондек қоронғу, зирқирар вужуд.
Фоний дунё лаҳза, лаҳзалар сароб,
Саноқсиз умрлар беиздир балким.
Аммо сиймолар бор — Зулматда офтоб,
Мангу яшаб қолар кўксингда халқим!

АҲДИНГ ҚАНИ?

Олам-олам шодланиб сен
 ваъда қилган аҳд қани?!

Ойдин-ойдин хаёлим
 орзу қилган бахт қани?!

Оҳ, жилмайиб боққан юзинг
 нечун энди боқмайди,

Шўх ҳисларим музлаб қолди,
жўш урмайди, оқмайди.
Сирли тунлар, эҳтирослар
сенга ёқмай қолдими?
Ёхуд мени аччиқ қисмат,
ўз забтига олдим.
Ишондингми турқи совуқ
миш-мишларга жоним ё,
Ўзи миш-миш ҳасадлардан
тузилган-ку, бу дунё.
Билмам, билмам о, парирўй
сабабини айтгил сен,
Кўз ёшимни маржон қилмай,
ёнгинамга қайтгил сен.

КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

Шамоллар қамчиси қарсиллайди,
Дарахтлар эгилар,
Япроқлар сочилар пайдарпай.

Сиқилиб-сиқилиб портлади ёмғир,
Заминга қулади осмон,
Ивиган барглар ситилди,
Хаёлдай тебраниб бўшлиқда...

Топталди хазонлар,
Оёқлар янчди кўксини...
Япроқ-чи,
Қилт этмай самога тикилди

Ягона илтижо: “йўқ бўлай!
Эртароқ йўқ бўлай!!”

Гуноҳлар кўп,
Гуноҳкорлар кўп.
Яланғоч кўнгишлар титрайди дилгир.
Чўкиб кетган шўрлик дунёни,
Шиддат ила тутиб қолишни,
Ўйламайди одамзод насли...
Қачон ўйлай бошлайди одам,
Лаблардан учади қачон истиғфор.
Қачон, ё Оллоҳ...

МАНЗАРА

Майсалар тебранар дафъатан,
Силкинар денгиздек кўк бўёқ.
Тўлқинлар қатида намоён
Бинафша, лаъл, сариқ, оқ бўёқ.

Зовларнинг кўримсиз оқ-қора,
Бетлари алвонга бурканган.
Заминга тиралган гавдаси,
Ям-яшил гиламга ўралган.

Боғлар ҳам келиндек ясанган,
Безаниб турфа хил безакка.
Дарахтлар ўранган ҳарирга,
Ўхшайди сулувга, малакка.

Осилиб фалакнинг тоқига,
Баҳорий булутлар ўйнайди.
Қуёшнинг беминнат нурини,
Қиймалаб-қиймалаб қўймайди.

О, баҳор вужудинг гуллабди,
Еласан қирларга эй, пари.
Ҳолимни бир бора сўрсанг гар,
Хаёлим тегрангда сар-сари.



МУНДАРИЖА

Ватан	4
Баҳор	5
Фариштали кунлар	6
Манзара	7
Тушунмовчилик	8
«Ҳароратли кунлар...»	8
Шамолларга айлангим келди (<i>Туркум</i>)	9
«Эрка шамолларни...»	9
«Нечун япроқларни...»	9
«Шовуллайди...»	10
«Ишқни соғинганча...»	10
«Ҳув, бедапояга беркиниб олиб...»	11
«Ўпиб-ўпиб олар япроқни шамол...»	11
«Саҳрода рўёлар ясаб чарчамас...»	11
Ўзлик	12
Қалбимни очгандим... ..	13
«Сардор кийик...»	14
Тугён.. ..	18
Хаёлимда шеърлар ёзаман	19
Моҳият лаҳзалари.. ..	20

Нурли қанотлар	21
Болаликни эслаб (<i>Туркум</i>)	22
«Тун...»	22
«Олисларга чўзилган...»	22
«Ёвуз кучлар ҳамиша мағлуб...»	23
«Кенг яйлов...»	23
Тўртликлар..	23
Армон...	24
«Сен тилак йўллабсан...»	25
«Йўлкага шивирлаб...»	25
Устоз хотираси..	26
Аҳдинг қани..	26
Кузги япроқлар..	27
Манзара...	28

Адабий-бадний нашр

Акмал Тошев

МОҲИЯТ ЛАҲЗАЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир Абдор Қиличев

Мусаввир Олег Холодняков

Бадний муҳаррир Анатолий Бобров

Техник муҳаррир Татьяна Смирнова

Мусахҳиҳ Фотима Ортиқова

Компьютерда саҳифаловчи Зилола Маннопова

ИБ № 4727

Босишга 11.07.08 й.да рухсат этилди. Бичими 70х90 ¹/₃₂.

Таймс гарнитураси. Офсет босма. 1,17 шартли
босма тобоқ. 1,5 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.
261 рақамли буюртма. 85—2008 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptdgulom.uz